



O'zbekiston O'vozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz

№32

2026-yil

12-avgust, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqa boshlagan



**ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ,
ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!**


БУ ЙЎЛЛАР УЛУҒ МАҚСАДЛАРГА ЭЛТАДИ



Мустақилликнинг 35 йиллиги — юртимизнинг босиб ўтган йўлига назар ташлаш, эришилган натижаларни сарҳисоб қилиш ва келажак сари дадил қадамларимизни ҳис этиш учун муҳим палла.

Ушбу қутлуғ сана арафасида мамлакатимизнинг қай бир ҳудудига бормайлик, янгиланиш ва бунёдкорликнинг гувоҳи бўламиз. Янги уй-жойлар, замонавий иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, обод маҳаллалар қаторида равон ва замонавий йўллар ҳам Янги Ўзбекистон қиёфасини намоён этмоқда.

► (Давоми 6-бетда)



ПАРЛАМЕНТДА

ҚОНУНЧИЛИКДА ЯНГИ ҚАДАМЛАР:

НИМАЛАР ЎЗГАРМОҚДА?

Йиғилиш бошланишига саноқли дақиқалар қолди. Залда аста-секин жонланиш сезилмоқда: депутатлар ўз ўринларини эгаллапти, кимдир кун тартибидаги масалаларни яна бир бор кўздан кечириётган бўлса, яна кимдир ҳамкасби билан бугунги муҳокама ҳақида фикр алмашмоқда.

Ташқаридан қараганда, оддий иш жараёнидек. Аммо бу ерда қабул қилинадиган ҳар бир қарор ортида минглаб, миллионлаб инсонларнинг ҳаётига дахлдор масалалар турибди.

Айрим депутатлар ўз таклифларини яна бир бор аниқлаштириб олмоқда, бошқалари эса муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан ҳамкасблари билан фикрлашмоқда. Демак, асосий баҳс ҳали олдинда...

Мажлисида дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасида қонунчилик ҳужжатларида фойдаланилган айрим атамаларни ягона шаклда қўллашни назарда тутувчи ўзгартиришларни киритиш таклиф этилмоқда.

► (Давоми 2-бетда)

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси:

ИНСОН ҚАДРИ ОЛИЙ МЕЗОН БЎЛИШИ КЕРАК

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, дейди доно халқимиз. Айниқса, ахборот олиш, узатиш ва тарқатиш мисли кўрилмаган даражада тезлашган, қулайлашган бугунги кунда давлат хизматчиларининг ҳар бир хатти-ҳаракати одамларимизнинг назаридан четда қолмаяпти.

Сўнгги кунларда айрим ҳудудларда маҳаллий ҳокимликлар, масъул ташкилотлар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари томонидан хонадонларга кириб, уй-жойни обод қилиш юзасидан турли талаблар қўйилаётгани ҳам жамоатчилик муҳокамаларига сабаб бўлмоқда. Айниқса, айрим хонадонларга “Уятли хонадон”, маҳаллаларга эса “Шармандали маҳалла” каби тамғалар ўрнатилиши мумкинлиги ҳақидаги хабарлар фуқароларда жиддий эътироз уйғотмоқда.

Ижтимоий адолатни, ижтимоий тенгликни ва инсон қадрини, ҳақ-ҳуқуқларини устувор деб билган

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ушбу ҳолат бўйича ўзининг расмий баёнотини эълон қилди.

Баёнотга кўра, юрт ободлиги, кўча ва маҳаллаларни тоза-озода сақлаш, атроф-муҳитга эътиборли бўлиш каби эзгу мақсадлар инсоннинг шаъни, кадр-қиммати ва қонуний ҳуқуқларига зид усуллар орқали амалга оширилмаслиги керак.

Албатта, ҳар бир инсон ўз хонадони, кўчаси ва маҳалласининг ободлигига ҳисса қўшиши жамият тараққиёти учун муҳим. Озодалик ва ободлик фақат давлат ёки маҳаллий ҳокимликларнинг эмас, балки бутун жамиятнинг умумий ишидир. Бу — фуқаролик масъулиятининг ҳам бир кўриниши. Бирок жамоатчилик масъулиятини шакллантириш билан фуқарони мажбурлаш ўртасида катта фарқ бор. Инсонни уялтириш, унинг хонадонини омма олдида “тамғалаш” ёки шаъни ва обрўсига таъсир қилувчи усуллардан фойдаланиш орқали ободликка эришиб бўлмайди.

► (Давоми 3-бетда)

СЎРОВ, ЖАВОБ ВА НАТИЖА

ИШОНЧ

**ОДАМЛАРНИНГ ДАРДИ ЭШИТИЛГАН,
МУАММОЛАРИ ҲАЛ ЭТИЛГАН ЖОЙДА
МУСТАҲКАМЛАНАДИ**



4

ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ

**ҲАР БИР БОЛА УЧУН
ЭШИКЛАР ОЧИҚМИ?**



7

СЎЗ – ҲДП ФАОЛЛАРИГА!

**АСОСИЙСИ —
САЙЛОВЧИ
МАНФААТИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

5

АНЖУМАН

**ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА
ЭНДИ ЭКОЛОГИК ХАВФЛАРНИ**

ОЛДИНДАН БОШҚАРИШ ТИЗИМИГА АЙЛАНАДИ



8

СЎРОВ, ЖАВОБ ВА НАТИЖА

Ҳар бир маҳаллада одамларнинг кўзи ўрганиб қолган манзаралар бор. Қишда лой кечиб мактабга бораётган болалар, ёзнинг жазирамасида сув навбатини кутаётган оилалар, кечқурун қоронғу кўчадан хавотир билан ўйига қайтаётган кексалар, йиллар давомида таъмир кўрмаган йўллар, эътиборга муҳтож ижтимоий объектлар...

Бу муаммолар бир кунда пайдо бўлмаган. Улар йиллар давомида йиғилган. Одамлар уларнинг ечими бўйича мурожаат қилган, умидвор бўлган, кутган. Аммо баъзан овоз эшитилмай қолади. Ана шундай пайтда депутатлик сўрови оддий расмий хат эмас, балки халқнинг овозини масъулларга етказадиган таъсирчан воситага айланади.

Депутатлик сўровининг ҳақиқий қадри унинг қоғозда эмас, натижасида намоён бўлади. Чунки ҳар бир сўров ортида рақам ёки ҳисобот эмас, инсон тақдири туради. Бир қишлоққа тоза ичимлик суви келса, бу минглаб одамларнинг ҳаёти енгиллашганини аңлатади. Бир мактабнинг томи таъмирланса, бу юзлаб болаларнинг хавфсиз таълим олишини таъминлайди. Бир кўчага ёришти чироғи ўрнатилса, бу одамларнинг хотиржамлигига хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам партиямиз депутатлари ўз фаолиятида депутатлик сўрови механизмдан самарали фойдаланмоқда. Кузатаётган бўлсангиз, биз аввалги сонларимизда ҳам бу ҳақида маълумот ва ахборотлар берган эдик. Эндиликда янги таҳлилларга назар ташлаймиз.

РАҚАМЛАР КЕСИМИДА...

Жорий йилнинг ўтган 6 ойида депутатларимиз томонидани ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган 3 996 та депутатлик сўрови юборилди. Бу рақамнинг ўзиёқ халқ вакилларининг жойлардаги вазиятни ўрганиш, одамларнинг дардига қулоқ тутиш ва муаммоларни тегишли ташкилотлар олдига қўйиш бўйича қанчалик фаол ишлаганини кўрсатади.

Энг муҳими, ушбу сўровларнинг 3 122 таси, яъни 78 фоизи ижобий ҳал этилган. Бу шунчаки фоиз эмас. Бу юзлаб маҳаллалардаги



муаммоларга ечим топилгани, минглаб одамларнинг оғири енгиллашгани, йиллар давомида жавоб кутган мурожаатлар ўз ечимини топганини аңлатади.

Чунки ҳар бир ижобий ҳал этилган депутатлик сўрови ортида ўзгарган ҳаёт бор. Балки бир қишлоққа ичимлик суви етиб боргандир. Балки болалар қатнайдиغان мактаб йўли таъмирлангандир. Балки электр таъминоти яхшиланган, тиббиёт муассасаси жиҳозланган ёки эҳтиёжманд оила муаммоси ҳал этилгандир.

Ҳудудий партия кенгашлари фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, айрим ҳудудларда депутатлик сўрови ҳақиқатан ҳам муаммони ҳал этишнинг самарали механизмига айланган.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги депутатларимиз томонидан юборилган 54 та депутатлик сўровининг 51 таси ижобий ҳал этилган. Бу эса нафақат фаоллик, балки

ИШОНЧ

ОДАМЛАРНИНГ ДАРДИ ЭШИТИЛГАН, МУАММОЛАРИ ҲАЛ ЭТИЛГАН ЖОЙДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ



мурожаатларнинг натижага йўналтирилганини ҳам кўрсатади. Самарқанд вилоят Кенгаши депутатлари юборган 53 та сўровдан 43 таси, Жиззах вилоятида эса 46 та сўровдан 35 таси ижобий ечим топган. Бу рақамлар депутатлик сўрови фақат расмий ҳужжат эмас, амалий ўзгаришларга хизмат қилаётганини тасдиқлайди.

БИРОҚ ТАҲЛИЛНИНГ ИККИНЧИ ТОМОНИ ҲАМ БОР

Тошкент шаҳар Кенгашидаги



ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИНИНГ ҚИЙМАТИ УНИНГ СЕНИ БИЛАН ЭМАС, НАТИЖАСИ БИЛАН ЎЛЧАНАДИ. БИРГИНА ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛГАН СЎРОВ ҲАМ БИР ОИЛАНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШИ, БИР МАҲАЛЛАНИНГ МУАММОСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШИ ЁКИ ЮЗЛАБ ИНСОНЛАРНИНГ ҲАЁТИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШИ МУМКИН.

Қорақалпоғистон Республикасида 413 та сўровнинг 391 таси, Самарқанд вилоятида 376 та сўровнинг 313 таси ижобий ҳал этилгани ҳам депутатлик назоратининг амалда ишлаётганини кўрсатади.

Шу билан бирга баъзи ҳудудларда қўйи бўғин фаоллигини янада кучайтириш эҳтиёжи сезилади. Кенгашлардаги депутатларимиз томонидан Тошкент шаҳрида 84 та, Наманган вилоятида эса 147 та депутатлик сўрови юборилган. Бу рақамлар аҳоли муаммоси камлигини аңлатмайди. Аксинча, депутатлик сўровидан янада фаол ва самарали фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Баъзида одамлар йиллаб эшик қоқади. Бир идорадан иккинчисига юғради. Аризалар ёзилади, ваъдалар берилади. Аммо муаммо ўша-ўша қолаверади. Ана шундай пайтда депутатлик сўрови шунчаки расмий мурожаат эмас, адолатнинг эшигини

тақиллатадиган овозга айланади.

Депутатлик сўровининг самарасини баҳолаш учун фақат қанча сўров юборилгани ёки нечтаси ижобий ҳал этилганига қараш етарли эмас. Унинг ҳақиқий қиймати одамлар ҳаётида қандай ўзгариш ясаганида намоён бўлади.

Бунинг ёрқин мисолларидан бири пойтахтнинг Янгихаёт туманидаги "Бинокор" маҳалласида қузилди. Маҳалла аҳолиси узоқ вақт маиший чиқиндилар ўз вақтида олиб чиқилмаётгани сабабли антисанитария ҳолати юзага келганидан норози эди. Бу эса нафақат экологик муаммо, балки аҳоли саломатлиги ва яшаш сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганди.

Мазкур ҳолат юзасидан халқ депутатлари Янгихаёт тумани Кенгаши депутати Умида Нишанбекова депутатлик сўровини киритди. Натижада масъул ташкилотлар муаммони жойига чиқиб ўрганди. GPS маълумотлари орқали чиқиндилар айрим кунлари ўз вақтида олиб чиқилмагани расман тасдиқланди. Бу эса мурожаатнинг асосли эканини кўрсатди.

Шундан сўнг, чиқинди контейнерлари тўлиқ тозаланди, тўпланиб қолган чиқиндилар олиб чиқилди, ташиш графиги қайта кўриб чиқилди ва хизматнинг мунтазам бажарилиши назоратга олинди. Шу билан бирга, ҳудудга кузатув камераларини ўрнатиш, контейнерларни белгиланган талаблар асосида тартибга келтириш ҳамда аҳоли ўртасида экологик маданиятни ошириш бўйича тушунтириш ишлари йўлга қўйилди.

Бу мисол депутатлик сўровининг энг муҳим жиҳатини очиб беради. Муаммо фақат қайд этилмади — унинг сабаби аниқланди, масъуллар жавобгарликни зиммасига олди ва амалий ечимлар жорий этилди. Энг муҳими, келгусида бундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун назорат механизми ҳам шакллантирилди.

Аслида, депутатлик сўровининг ҳақиқий натижаси ҳам шу. У фақат бир кунлик тозалаш ишларини эмас, балки тизимли ўзгаришларни бошлаб бериш билан аҳамиятлидир. Чунки аҳолига бир марта эмас, ҳар кун тоза ва соғлом муҳит керак.

Худди шундай ҳолат Чилонзор туманида ҳам қузилди. Фуқаролар электр таъминотидаги ўзилишлар ва носозликлар юзасидан мурожаат қилди. Депутат томонидан мурожаатлар ўрганилиб, тегишли электр таъминоти корхонасига депутатлик сўрови юборилди. Натижада электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар бартараф этилди ва аҳоли мурожаати ижобий ечимини топди.

Бу икки мисол бир ҳақиқатни кўрсатади: депутатлик сўрови расмий хат ёки навбатдаги ҳужжат эмас. У одамларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган амалий механизмдир. Бир маҳаллада санитария муаммоси ҳал этилса, бошқасида электр таъминоти яхшиланса, бу аҳолининг халқ вакилларига бўлган ишончи мустаҳкамланаётганининг амалий ифодасидир.

Баъзи муаммолар борки, уларнинг ечимини кечиктириш мумкин эмас. Чунки гап шунчаки ноқулайлик ҳақида эмас, инсон хавфсизлиги ҳақида кетади.

Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги "Эҳтиром" маҳалласида ҳам шундай ҳолат

“

БАЪЗИ МУАММОЛАР БОРКИ, УЛАРНИНГ ЕЧИМИНИ КЕЧИКТИРИШ МУМКИН ЭМАС. ЧУНКИ ГАП ШУНЧАКИ НОҚУЛАЙЛИК ҲАҚИДА ЭМАС, ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ ҲАҚИДА КЕТАДИ.

юзага келганди. Низомий кўчасида йиллар давомида фойдаланилмай келаётган эски ёғоч электр таянч устунлари аҳоли хавотирига сабаб бўлаётган эди. Улар нафақат шаҳарсозлик қиёфасига салбий таъсир кўрсатар, балки кучли шамол, табиий таъсирлар ёки вақт ўтиши билан йиқилиб, одамлар ҳаёти ва мол-мулкига хавф туғдириши мумкин эди.

Фуқароларнинг мурожаати эътиборсиз қолдирилмади. Халқ депутатлари Хонқа туман Кенгаши депутати Феруз Вайсов томонидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди. Сўровда муаммони жойига чиқиб ўрганиш, фойдаланилмаётган электр таянч устунларини демонтаж қилиш ва амалий чоралар кўриш талаб этилди.

Натижада масъул ташкилотлар томонидан ҳудуд ўрганилиб, фойдаланилмаётган 5 та эски электр таянч устуни тўлиқ демонтаж қилинди.

Айрим ҳолларда биргина ўз вақтида юборилган депутатлик сўрови эҳтимолий бахтсиз ҳодисанинг олдини олиши мумкин.

Депутатлик фаолиятининг ҳақиқий самараси ҳам айнан шунда. Муаммо катталашиб кетишини кутиш эмас, уни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш. Чунки халқ манфаати йўлида қилинган ҳар бир амалий қадам одамларнинг хавфсизлиги, хотиржамлиги ва эртанги кунга бўлган ишончига хизмат қилади.

Бундай амалий ишларни ва мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, ҳисоботлардаги рақам ёки қоғоздаги маълумот эмас, балки одамлар ҳаётида ҳақиқатан сезиладиган натижадир. Чунки ҳар қандай ислохот ёки ташаббуснинг қиймати фуқароларнинг кундалик ҳаётига қандай таъсир кўрсатгани билан ўлчанади.

Халқнинг дарди эшитилган жойда ишонч мустаҳкамланди. Ишонч бор жойда эса ўзгариш бошланади.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

СЎЗ – ХДП ФАОЛЛАРИГА!

Бугун маҳаллий Кенгаш депутатларининг зиммасидаги масъулият янада ортган. Улар ҳудуддаги муаммоларни ўрганиб, тегишли ташкилотлар олдига масала қўйиши, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиши, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиши ва энг муҳими, сайловчига натижа билан қайтиши керак.

Шу маънода, бугунги депутат — фақат Кенгашда овоз берувчи вакил эмас. У одамлар билан давлат идораларини боғловчи бўғин. Унинг фаолияти эса қоғоздаги ҳисоботдан кўра, маҳалладаги ўзгариш, ҳал бўлган муаммо ва рози бўлган инсон билан кўпроқ ўлчанади.

Бугун республика бўйича маҳаллий Кенгашларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган 1163 нафар халқ депутати фаолият юритмокда. Бу — катта масъулият дегани. Чунки ҳар бир депутат ортида уни сайлаган одамлар, уларнинг мурожаатлари, муаммолари ва умидлари бор.

Депутатлик фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири — қонунлар, Президент фармон ва қарорларининг ҳудудларда қандай ижро этилаётганини ўрганиш, жамоатчилик ва депутатлик назоратини таъминлашдир. Хўш, таҳлилларга назар ташласак, нимани кўрамыз?

Йилнинг ўтган даврида 680 та масала партия гуруҳларида, 552 та масала доимий комиссия ййғилишларида, 503 та масала эса Кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқилди. Энг муҳими, бу масалалар муҳокама билан чекланиб қолмай, партия электорати манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилинишига асос бўлди.

Бу рақамларга оддий статистика сифатида қараш мумкин. Аммо уларнинг ҳар бири ортида муайян ҳудуд, муайян муаммо ва уни ҳал этишга қаратилган ҳаракат турибди.

ФАОЛЛИК ҲУДУДДАН ҲУДУДГА ФАРҚ ҚИЛАДИ

Депутатлик фаолиятини баҳолашда сессиялар, доимий комиссиялар ва партия гуруҳларидаги иштирок муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Бу борада ҳудудлар ўртасида сезиларли фарқ бор. Қорақалпоғистон Республикаси барча йўналишларда юқори натижаларни қайд этган. Таҳлилларга кўра, партия гуруҳларида 84 та, доимий комиссияларда 71 та, сессияларда 66 та масала кўриб чиқилди.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги доимий комиссияларда 71 та масала муҳокама қилинди. Бироқ айрим ҳудудларда депутатлик гуруҳлари фаоллиги анча паст. Масалан, Сурхондарё вилоятида партия гуруҳларида 7 та, доимий комиссияларда 10 та, сессияларда 8 та масала кўриб чиқилди. Тошкент шаҳрида ҳам бундай кўрсаткичлар юқори эмас.

Бу рақамлар бир саволни

ўртага қўяди: депутатнинг Кенгашдаги иштироки унинг сайлов округидаги фаоллиги билан қай даражада уйғун? Чунки депутат фаоллигини фақат ййғилишлар сони билан ўлчаб бўлмайди.

ҲИСОБОТ ЭШИТИШ — НАЗОРАТНИНГ БОШЛАНИШИ

Депутатлик назоратининг муҳим бир йўналиши — жойлардаги ижро этувчи ҳокимият вакиллари, ҳудудий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитишдир.

Ҳисобот эшитишни шунчаки ййғилишда маъруза тинглаш деб тушуниш тўғри эмас. Унинг ортида ҳудуддаги муаммолар, қабул қилинган қарорларнинг ижроси ва аҳоли олдигаги мажбуриятларнинг қай даражада бажарилаётганига баҳо бериш вазифаси турибди.

Ҳисобот даврида жойлардаги раҳбар ва мансабдор шахсларнинг 668 маротаба ахборотлари эштилди.

Бу борада ҳудудлар фаоллиги бир-биридан фарқ қилади. Жиззах вилоятида 71 та, Навоий вилоятида 69 та, Қашқадарёда 64 та, Тошкент вилоятида 65 та, Бухоро ва Қорақалпоғистонда 63 тадан, Фарғона вилоятида эса 60 та ҳисобот эштилган.

Бироқ айрим ҳудудларда бу йўналишдаги ишлар ҳали етарли даражада эмас. Масалан, Сирдарё вилоятида 20 та, Сурхондарё вилоятида эса атиги 14 та мансабдор шахснинг ҳисоботи эштилган.

Бу рақамлар ҳудудларда депутатлик назоратини янада кучайтириш, ҳисоботларни аниқ натижа талаб қиладиган воситага айлантириш зарурлигини кўрсатади.

ТАШАББУС БОР ЖОЙДА НАТИЖА СЕЗИЛАДИ

Ҳаракат дастурининг ижроси бўйича ўтказилган таҳлиллар ҳам айрим ҳудудларда депутатлик гуруҳлари иши тизимли йўлга қўйилганидан далолат бермокда.

Андижоннинг Асака, Пахтаобод, Қўрғонтепа ва Бўстон туманларида, Бухоро вилоятининг Бухоро, Когон шаҳарлари ҳамда Когон ва Ромитан туманларида, Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳри,

АСОСИЙСИ — САЙЛОВЧИ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ



Мирзачўл, Ш. Рашидов ва Пахтакор туманларида партия гуруҳлари томонидан ишлар самарали ташкил этилган.

Шунингдек, Навоий вилоят Кенгаши, Зарафшон шаҳри ва Қизилтепа тумани, Наманганнинг Косонсой, Уйчи ва Учқўрғон туманлари, Самарқанд вилояти Кенгаши, Иштихон ва Пахтачи туманлари каби ҳудудларда ҳам депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги юқори бўлган.

Бундай мисолларни бошқа ҳудудлар кесимида ҳам кўриш мумкин. Энг муҳими, бу фаоллик муайян ҳудуддаги муаммони кун тартибига олиб чиқиш, масъулларнинг ҳисоботини эшитиш ва ижрони назорат қилиш билан уйғунлашмокда.

Умуман, таҳлиллар Фарғона вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ташаббускорлик ва натижадорлик юқори эканини кўрсатмокда.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

Аммо депутатлик фаолиятини фақат Кенгаш залларидаги ййғилишлар билан ўлчаб бўлмайди. Депутатнинг ҳақиқий иши, аввало, сайловчиси билан мулоқотида кўринади.

Бугун халқ ноибларидан очиклик ва шаффофлик талаб этилмокда. Шу боис депутатлар ўз сайловчилари билан юзма-юз учрашувлар ўтказиб, амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот бермокда, аҳолининг таклиф

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИНГ ЯНА БИР МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ — ЖОЙЛАРДАГИ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛАРИ, ҲУДУДИЙ РАҲБАРЛАР ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭШИТИШДИР.

ва муаммоларини ўрганмокда. Депутатларнинг фаолияти оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ҳам кенг ёритилмокда.

Бу жараённинг энг муҳим жиҳати эса мурожаатларни эшитиш билан чекланиб қолмаслик.

Партиянинг Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига 7 ой давомида фуқаролардан жами 7005 та мурожаат келиб тушган.

Уларнинг 6260 таси, яъни 89 фоизи партия масъул ходимлари ва депутатлар иштирокида ижобий ҳал этилган.

Бу рақамнинг ўзиёқ депутатлик фаолиятининг одамлар ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб турибди.

Чунки мурожаат — шунчаки қоғоздаги рақам эмас. Унинг ортида иш қидираётган инсон, уй-жой масаласида қийналаётган оила, ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаро ёки ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга эҳтиёж сезаётган одам турибди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, 89 фоизлик ижобий натижа — депутатлик назоратининг одамлар ҳаётидаги амалий ифодасидир.

Хулоса қилиб айтганда, бугун депутатлик фаолиятига қўйилаётган талаб оддий: халққа яқин бўлиш, муаммони эшитиш ва унинг ечими учун охиригача ҳаракат қилиш. Сессияда айтилган гап маҳалладаги ўзгаришга айланса депутатлик назоратининг ҳақиқий натижаси кўринади.

Халқ вакили халқ ичида бўлсани, унинг овози ҳам, назорати ҳам, фаолияти ҳам самара беради.

Мавжуда ҲАСАНОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бошқарма бошлиғи.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

СУРХОНДАРЁ: МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИ ЎРГАНИЛДИ



Партиямиз Термиз туман кенгаши раиси, депутат Г.Шафоатова 5-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти билан танишди.

Муассаса 2026 йил баҳорида фойдаланишга топширилган бўлиб, бугунги кунда 90 нафар бола тарбияланмокда.

Ўрганиш давомида бир қатор жиддий камчиликлар аниқланди. Хусусан, "Fan Coil" тизимидаги кондиционерларнинг ишламаётгани сабабли хоналарда юқори ҳарорат кузатилмокда.

Шунингдек, трансформаторнинг ҳимоя тўсиғи билан ўралмагани болалар хавфсизлиги учун жиддий хавф туғдириши таъкидланди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъул ташкилотлар билан боғланиб, масала депутатлик назоратига олинди.

ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИДАН СЎНГ...

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати Дилфуза Джураеванинг депутатлик сўровидан сўнг Музработ туманидаги "Янгиер" маҳалласида тўхтаб қолган инфратузилма ишлари қайта тикланиб, жадал давом этмокда.

Бугунги кунга қадар маҳаллада 15 километрдан ортик ички йўлларга асфальт қопламаси ётқизилди. Бу аҳоли учун қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ҳудуд инфратузилмасини яхшилашга хизмат қилмокда.

Шунингдек, лойиҳа доирасида пиёдалар йўлаклари, тунги ёритиш тизими, электр тармоқларини янгилаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмокда.

Депутатлик сўрови асосида қайта тикланган инфратузилма ишлари маҳалла аҳолисига янада қулай шароит яратишга қаратилган.



ЖИЗЗАХ: МУҲОКАМА, ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси сўл қанот партия сифатида аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, тиббий ёрдам тез ва сифатли бўлиши шарт, деб ҳисоблайди.

Партиянинг Жиззах вилоят кенгаши фаоллари, депутатлик гуруҳлари, экспертлар ҳамда соҳага масъул идора ва ташкилотлар вакиллари иштирокида тадбир ташкил этилди.

Унда вилоятдаги тиббиёт муассасаларининг замонавий диагностик ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлик даражаси, мавжуд тиббий ускуналарнинг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, электрон навбат ва рақамли тиббиёт тизимларининг жорий этилганлик ҳолати, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати муҳокама қилинди.

Ўрганишларда аниқланишича, Мирзачўл туман тиббиёт бирлашмасига карашли "Ипак йўли" маҳалласида жойлашган оилавий шифокорлик поликлиникаси моддий-техника базаси анча эскирган, яъни лабораторияга музлаткич, стол-стуллар тўплами ва бир қанча тиббий жиҳозлар етишмайди. Бундан ташқари, бугунги кунда туманда педиатр, терапевт,

акушер-гинеколог, болалар невропатологи, пульмонолог каби мутахассислар ҳам етишмайди.

Муаммоларни бартараф этиш, сифатли тиббий хизматни чекка ҳудудларда ривожлантириш юзасидан таклифлар илгари сурилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: НУКУСДА БЕПУЛ ТИББИЙ КЎРИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан Нукус шаҳридаги 9-сонли оилавий поликлиникада аҳолини профилактик тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликларни эрта аниқлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган тавсияси асосида 5 нафар фуқарога Нукус шаҳридаги У. Халмуратов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт марказида даволаниш учун йўлланма берилди.





**ЯГОНА ВАТАН,
ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ,
ЯНГИ ҲАЁТ ВА
КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!**



**Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ходими,
«Маърифат»
тарғиботчилар жамияти
аъзоси.**

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Йўл — оддий қатнов воситаси эмас. У одамларни одамларга, ҳудудларни ҳудудларга, ишлаб чиқарувчини бозорга, тарихни бугунга, бугунни эса келажакка боғлайди. Шу маънода йўллар мамлакат ва жамият ҳаётининг ўзига хос ойнасидир.

Бугун биз янги ва буюк йўлдамиз. Бу — ўзимизнинг, Янги Ўзбекистоннинг йўллариidir.



УЗОҚ МАНЗИЛЛАР ЯҚИНЛАШДИ

Қадимдан халқимизда «Йўл азоби — гўр азоби» деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Илгари қишнинг қор-совуғи, баҳорнинг лойи, ёзнинг чанг-тупроғи, ўнқир-чўнқир йўллар одамлар учун катта машаққат туғдирган.

Йўлнинг носозлиги нафақат вақт ва маблағ, балки инсон саломатлиги ва хавфсизлигига ҳам таъсир кўрсатган. Узоқ манзилга етиб боришнинг ўзи бир синов бўлган.

Бугун эса манзара ўзгармоқда. Сўнгги 10 йилда 76 триллион сўм ҳисобидан 128 минг километр йўлда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Замонавий технологиялар ва хорижий тажриба асосида янги автомобиль йўллари, кўприклар ва транспорт ечимлари барпо этилмоқда.

Бу рақамлар ортида, аввало, инсон манфаати мужассам. Равон йўл — тежалган вақт, хавфсиз ҳаракат, камайган харажат, янги имконият демакдир.

ЯНГИ МАГИСТРАЛЬ — ИМКОНИАТЛАР

Тошкент–Самарқанд йўналишида қурилаётган янги автомобиль магистрالي мамлакат транспорт инфратузилмасидаги навбатдаги улкан қадамлардан бири бўлмоқда.

Қиймати қарийб 2,2 миллиард доллар бўлган олти полосали

замонавий автомагистралнинг умумий узунлиги 282 километрни ташкил этади. Лойиҳа доирасида 92 та кўприк, 28 та йўл ўтказгич ва 60 та туннель типдаги ўтиш жойи қурилиши кўзда тутилган.

Янги магистраль ишга тушгач, Тошкентдан Самарқандга етиб бориш вақти 5 соатдан 2,5 соатгача қисқариши, ундан суткасига 60–80 мингта транспорт воситаси ҳаракатланиши, юк ташиш таннари эса 20–24 фоизга пасайиши кутилмоқда.

Дарвоқе, дунё бўйлаб ҳикмат излаган донишмандлар азалдан Самарқандга интилган. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу шаҳардан сайёҳлар, олимлар ва савдогарлар ўтган.

Бугун Самарқанд яна замонавий тараққиёт ва тарихий мерос уйғунлашган шаҳар сифатида дунё аҳлини ўзига жалб этмоқда.

Шаҳар ва вилоятда йўл инфратузилмасининг

қурилиш техника ва машиналари жалб этилган экан.

Ёпиқ типдаги ирригация тармоғи. Бу - йўл ёмғир ёки қордан қоп- қора лойқага айланиб, сув йўлни ифлослаб ётмайди, деганидир. Ёпиқ ирригация тармоғининг ёнидаги махсус тешиклардан лойқа сувлар тўғри махсус жойга қуйилади. Бу трассада бир кунда 70 - 75 мингта транспорт ҳаракатланишини ҳисобга олсақ, инсон соғлиғио эконувозанат ва атроф гўзаллини асраш учун йўлаб қурилаётган бу оромбахш ақлли йўлни ҳеч иккиланмай "Фароғат йўли" деб айтсак бўлади.

Хавфдан ҳоли пиёдалар йўлаклари, велойўлакчалар, баҳордан то қишгача ранг-баранг очилган гуллар билан кўзларимизни яшнатувчи манзаралар қишга кўтаринки руҳ бағишлайди.

Бу йўлдан бир кунда қанча-қанча инсонлар ўтади. Уларнинг нозик қалблари бу фарахбахш йўлнинг чиройидан завқ олади.

«ДЎСТЛИК»ДАН «ЯНГИОВУЛ»ГАЧА

Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги «Дўстлик», «Янгиовул» ва Улуғбек маҳаллаларини боғловчи автомобиль йўли қурилиши ҳам эътиборга молик.

6 километр узунликдаги ушбу йўлни қуриш ишлари 1985 йилда бошланган, аммо маълум сабабларга кўра тўхтаб қолган эди. Орадан 40 йил ўтиб, қурилиш ишлари яна давом эттирилди.

Лойиҳа замонавий талаблар асосида ишлаб чиқилган. Йўл таркибида автомобиллар қатнов қисми билан бир қаторда пиёдалар йўлаклари, велойўлаклар ва яшил белбоғлар ҳам назарда тутилган. Шунингдек, 198 метрдан ортиқ узунликдаги кўприк барпо этилди.

Лойиҳанинг энг муҳим жиҳати — объект фойдаланишга топширилганда «Дўстлик» ва «Янгиовул» маҳаллаларини марказ билан боғловчи йўл 44 километрга қисқаради.

Бу — одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш демак.

ТОҒЛАР ОРАСИДАГИ БУНЁДКОРЛИК



Сурхондарё вилояти ҳам бугун улкан қурилиш-бунёдкорлик майдонига айланган.

Пурвиқор тоғлари ва бетакрор табиати билан сайёҳларни ўзига жалб этаётган ҳудудда йўл инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли учун қулай шароит яратиш

ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Халқаро молия институтлари маблаглари ҳисобидан 111 километрлик цемент-бетон қопламали замонавий йўл барпо этилмоқда. Лойиҳа 2022 йилда бошланган бўлиб, 2027 йилда якунланиши режалаштирилган. Ҳозирга қадар янги йўлнинг қарийб 60 километри цемент-бетон қоплама билан қопланган.

Йўл лойиҳасида 8 та кўприк, 6 та икки сатҳли қайрилиб олиш жойи, 6 та ер ости пиёдалар ўтиш жойи назарда тутилган.

Бу иншоотлар аҳоли хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, тадбиркорлик ва маҳаллий ишлаб чиқариш ривожига ҳам янги имкониятлар очади.

АСОВ ДАРЁ УСТИДАГИ КЎПРИК

Хоразм ва Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган йирик инфратузилма лойиҳалари



ҳам юртимиздаги бунёдкорлик кўламини кўрсатади.

Амударё устидан 700 метр узунликдаги йирик кўприк барпо этилди. Бу кўприкнинг аҳамияти унинг ўлчами билангина эмас, балки одамлар қалбида уйғотган туйғулари билан ҳам ўлчанади.

Йиллар давомида эски кўприкдан хавотир билан ўтган инсонлар энди янги, замонавий ва хавфсиз кўприкдан хотиржам

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи А380 «Ғўзор–Бухоро–Нукус–Бейнеу» автомобиль йўлини реконструкция қилиш ҳам муҳим лойиҳалардан бири бўлди.

240 километрлик қисмда цемент-бетон қопламали йўл қуриш ишлари амалга оширилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 383,4 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Асосий мақсад –халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллариини замонавий стандартлар талабига мос ҳолатга келтиришдир.

Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро транспорт йўлакларидаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини ошириш ва янги имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги — ўтган йилларга оддий назар эмас, балки босиб ўтилган йўл ва эршилган натижаларни чуқур англаш палласидир.

Бугун юртимиз бўйлаб қурилаётган янги магистраллар, кўприклар, йўл ўтказгичлар ва обод кўчаларни ана шу тарихнинг жонли ифодаси, десак янглишмаймиз.

Йўллар мамлакат тараққиётининг қон томирларидек. Улар орқали одамлар, товарлар, ғоялар ва имкониятлар ҳаракатланади. Йўллар равонлашгани сари манзиллар яқинлашади, ҳудудлар бир-бирига боғланади, янги иқтисодий ва ижтимоий имкониятлар пайдо бўлади.

Мустақиллик йилларида эришилган энг катта натижалардан бири ҳам шунда — халқимиз ўз келажига ишонч билан, ўз йўли билан бормоқда.

Бугун биз янги ва буюк йўлдамиз.

Бу — Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли.

Бу йўлларда замон ва макон бирлашмоқда, маданиятлар ва қадриятлар туташмоқда. Янги йўллар узоқни яқин, оғирни енгил, мушкулни осон қилмоқда.

Айтадиларки, йўл ва кўприк қурганларга икки дунё саодати ёр бўлур.

Абадий қадриятлар бешиги бўлган Ўзбекистонимизнинг йўллари ҳамиша равон, нурафшон ва файзли бўлиб, буюк мақсад сари бирлашган халқимизга асрлар оша хизмат қилсин!

